

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНВЕРСИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНВЕРСИТЕТИ**

**БОБОРАХИМОВА УМЕДА МУСАЕВНА**

**СЕМИЗЛИК ҚАЙТ ЭТИЛГАН АЁЛЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ГОРМОНАЛ  
КОНТРАЦЕПТИВ ВОСИТАЛАРНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР  
ТАЪСИРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Боборахимова Умеда Мусаевна</b> Семизлик қайт этилган аёлларда замонавий гормонал контрацептив воситаларнинг клиник-лаборатор таъсири.....	5
<b>Боборахимова Умеда Мусаевна</b> Клинико -лабораторные эффекты современных гормональных контрацептивов у женщин с ожирением.....	27
<b>Bobokhimova Umeda Musayevna</b> Clinical and laboratory effects of modern hormonal contraceptives in obese women.....	49
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published scientific works .....	53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОРАХИМОВА УМЕДА МУСАЕВНА**

**СЕМИЗЛИК ҚАЙТ ЭТИЛГАН АЁЛЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ГОРМОНАЛ  
КОНТРАЦЕПТИВ ВОСИТАЛАРНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР  
ТАЪСИРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Tib1850 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар</b>	<b>Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар</b>	<b>Зуфарова Шахноза Алимджановна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Зокирова Нодира Исламовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Тожикистон илмий-тадқиқот институти акушерлик, гинекология ва перенатология Давлат муассаси</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТИ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92, 233-79-03, e-mail: [shodikulovagulandom@mail.ru](mailto:shodikulovagulandom@mail.ru)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (99866) 233 -07-66).

Диссертация автореферати 2022-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда ортиқча тана вазни масаласи замонавий жамиятнинг энг жиддий тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммоси бўлиб ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) прогнозига кўра, «...касалланишнинг ҳозирги ўсиш суръатлари сақланиб қолганида, 2025 йилга бориб дунёда ушбу ташхис билан касалланганлар сони 300 млн дан ошади, улардан 200 млн дан ортиғини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади...»<sup>1</sup>. Айни пайтда ортиқча тана вазни аёл репродуктив тизимининг эндокрин бошқарилишига, бепуштлиқнинг ривожланишига, тухумдонлар ва эндометрийдаги аномал жараёнларга, шунингдек, ҳомиладорлик ва туғруқнинг асоратли кечилишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун семизликнинг турли типлари мавжуд бўлган аёлларда метаболизмнинг қайд этилган хусусиятларини аниқлаш, гормонал дори воситаларининг ва орал контрацептивларни қўлланилишида кузатилган баъзи бир жиҳатларини инобатга олган ҳолда даволашнинг энг мақбул усулини танлаш, уларни қўллашнинг оптимал вақтини белгилаш ҳамда даволашнинг натижаларини баҳолаш гинекология амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда семизликнинг турли типлари мавжуд бўлган аёлларда турли касалликларнинг ривожланиш хавфи ва кечилиш табиатини акс эттирадиган, шунингдек уларнинг натижаларини башорат қила оладиган усулларни тадбиқ этишга қаратилган қатор илмий татқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қўлланилаётган гормонал контрацепция фонида ёғ алмашинуви бузилган аёлларда овқатланишнинг хулқ-атворини, семизлик биомаркерларининг ҳолатини, эндотелиал дисфункцияни, углеводлар, липидлар алмашинуви ҳолатини баҳолаш орқали гормонал контрацепция воситаларидан фойдаланиш учун кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар ва қўллаш шартларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги ҳамда оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайитиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...Оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайитириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада

---

<sup>1</sup>Доклад о ситуации в области неинфекционных заболеваний в мире. ВОЗ, 2017

кенгроқ амалга ошириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда, семизликнинг турли типлари мавжуд бўлган аёлларда орал контрацептивларни қўллашдан олдин ва уларни 6 ой қўллаш мобайнида аёлларнинг овқатланиш хулқ-атворининг хусусиятларини ўрганиш, семизлик биомаркерларини динамик аниқлаш, эндотелиал функцияни ва гормонал контрацепцияни қўллаш жараёнида қоннинг липид спектри ва инсулинга резистентлик кўрсаткичлари баҳолаш оркали гормонал контрацепция воситаларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган асоратлар кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотлар натижасида семизликдан азият чекувчи аёлларда контрацепция усуллари мақбуллигининг тиббий мезонлари ишлаб чиқилганига қарамасдан, ушбу гуруҳ беморлари учун АОК таркибидаги замонавий паст ва микро дозали эстрогенларни ўз ичига олган препаратларни қўллаш жуда кам ўрганилганлиги аниқланган (Ахмедов В.А., Гудим А.С. 2020). Илмий адабиётларда АОК нинг семизлик ва эндотелиал дисфункциянинг биомаркерларига таъсири ҳақида маълумотлар кам ва бири-бирига қарама-қарши эканлиги ҳам аниқланган. Шу билан бирга, адабиётларда гормонал контрацепция воситаларидан фойдаланиш фонидида семизликнинг андройд ва фемин типи қайд этилган аёлларнинг овқатланиш хулқ-атвори ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Семизлик қайд этилган аёлларда гормонал контрацепцияни периферик қондаги гомоцистеин ва лептин даражасига таъсири ҳақида маълумотлар бир бирига зид эканлиги аниқланган (Бабаджанова Г., Султанмуратова Г., 2021; Ведзижева Э.Р., Кузнецова И.В., 2020).

Ортиқча вазнли аёлларда самарали ва хавфсиз контрацептив воситани

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

тўғри танлаш ортиқча вазн шаклланиши ҳамда гормонал контрацептив компонентларнинг овқатланиш хулқ-атвори ва липогенезнинг асосий бўғинларига таъсир этиш механизмларини тушунишга асосланиши лозим (Артымук Н.В., Тачкова О.А.2018.). Ҳозирги вақтда ортиқча вазнли аёлларда самарали ва хавфсиз орал контрацептивни танлаш масаласи овқатланиш хулқ-атворининг бузилиши ва семизликнинг шаклланиши қайд этилган аёллар сонининг ўсиши, шунингдек, аёлнинг репродуктив саломатлигига сунъий аборт ва ортиқча ёғ тўқимасининг катта зарар етказиши туфайли долзарбдир (Горелова И.В., Рулев М.В.2018). Илмий адабиётларда, айнан Артымук Н.В., Тачкова О.А., Шурыгин С.Н. ва ҳаммуаллифларнинг (2018) тадқиқотларида кўрсатилишича, углевод ва липидлар алмашинуви меъёрга келишига сибутрамин/метформин комбинацияси катта даражада таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, индивидуал тарзда овқатланиш хулқ-атвори ва эмоционал-шахсият доирасидаги бузилишлар кузатилганда аноретиклар ёки антидепрессантлар – суткасига 10-15 мг дан сибутрамин ва суткасига 20-40 мг дан флуоксетин тайинлаш тавсия этилади.

Ўзбекистонда Ф.М. Аюпова (2017), М.Х. Каттаходжаева (2018), У.М. Юсупова (2019), М.Т. Хамдамова (2020) ва бошқаларнинг бу борадаги тадқиқотлари диққатга сазовордир, бироқ семизлиги мавжуд аёлларда аралаш гормонал контрацепция усулларининг баъзи клиник-лаборатор жиҳатларининг таҳлилига қаратилган илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилган.

Бугунги кунда соҳада орттирилган тажриба ва олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотларни эътиборга олиб, овқатланиш хулқ-атвори, семизлик биомаркерлари, қондаги липид ва углеводлар спектри, эндотелиал дисфункцияни ўрганиш асосида ҳар хил турдаги семизлик қайд этилган аёлларда замонавий гормонал контрацептивларнинг хавфсизлиги ва мақбуллигини ошириш ҳамда ушбу аёлларда репродуктив саломатликни сақлашга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, семизликнинг турли типлари мавжуд бўлган аёлларда гормонал контрацепция воситаларидан фойдаланиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ПЗ-2018-090921394-сонли «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ташхисоти ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» (2016-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ҳар хил турдаги семизлик қайд этилган аёлларда замонавий гормонал контрацептивларнинг қўллаш хавфсизлиги ва мақбуллигини оширишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

гормонал контрацепциядан фойдаланиш истагини билдирган 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган семизликнинг андроид ва фемин типи қайд этилган аёллар гуруҳига клиник тавсиф бериш;

бошланғич текширув вақтида ва гормонал контрацепция воситаларидан фойдаланиш фонида семизликнинг андроид ва фемин типи қайд этилган аёлларнинг овқатланиш хулқ-атворини ўрганиш;

гормонал контрацепция фонида тана вазнининг динамикасини, семиришнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичларини ўрганиш;

гормонал контрацепциянинг семизлик қайд этилган аёлларнинг периферик қонидаги гомоцистеин ва лептин даражасига таъсирини аниқлаш;

олинган натижаларга асосланиб, семизлик қайд этилган беморларни контрацепция жараёнида олиб бориш тактикаси алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилоятида яшовчи 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун амбулатор қабулга мурожаат қилган 150 аёллар олинган..

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий клиник ва биохимик тадқиқотлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби, шунингдек беморларнинг пешоби ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, гинекологик текширув, инструментал, биокимёвий, семизликнинг андроид ва фемин типи қайд этилган аёлларнинг овқатланиш хулқ-атворини ўрганиш учун анкета сўровномалари ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк маротаба аралаш орал контрацептивларни қўллашдан олдин ва уларни 6 ой қўллаш мобайнида семизлик қайд этилган аёлларнинг овқатланиш хулқ-атворининг хусусиятлари баҳоланиб, 48% ҳолатда ёғли маҳсулотлар истеъмол қилишини, фақат 3,3% ҳолатда дон маҳсулотлари, сабзаёт ва меваларни етарли даражада истеъмол қилиши аниқланган;

тана вазнининг ортиши устидан ўрнатилган назоратни объектив баҳолаш учун семизлик биомаркери лептинни динамик аниқлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

семизлик қайд этилган аёлларда метафолин сақловчи дроспиренонли АОКларни тана вазнини тушириш учун индивидуал дастур билан бирга қўллаш овқатланиш тартибини ишончли ўзгаришига, лептин миқдорини ТВИга пропорционал равишда камайишига олиб келиши исботланган;

семизликнинг фемин ва андроид типлари қайд этилган аёлларда микро ва паст дозали АОКларнинг метаболик таъсири ўртасидаги фарқ кўрсатилган;

семизлик қайд этилган аёлларда фолат сақловчи АОК ларни қабул қилиш гомоцистеин миқдорини ишончли тарзда камайтириши натижасида гормонал фонни тикланиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ортиқча тана вазнига эга ҳамма репродуктив ёшдаги аёлларга тузилган қўлланма бўйича соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш борасида маслаҳат олиб бориш тамойиллари ишлаб чиқилган;

семизлиги мавжуд аёлларда аралаш орал контрацептивларни қўллаш бўйича тавсия қилинган семизлик маркерларига асосланган баллик мақбуллик дастури хавфсиз контрацептивларни танлаш имконини берган;

семизлиги мавжуд аёлларни периферик қонидаги гомоцистеин ва лептин даражасини баҳолаш натижасида уларни олиб бориш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, гинекологик ва статистик тадқиқот усуллари семизлиги мавжуд аёлларда аралаш орал контрацептивларни қўллашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти семизлиги мавжуд аёлларда аралаш орал контрацепция усулларининг баъзи клиник-лаборатор жиҳатларини аниқлаш, тана вазнининг ортиши устидан ўрнатилган назоратни объектив баҳолаш учун семизлик биомаркерларини динамик аниқлашнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган ҳамда контрацепция қабул қилиш жараёнида семизлик биомаркерларини ва эндотелиал функцияни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти семизлиги мавжуд аёлларнинг репродуктив ва саломатлик ҳолатларига аралаш орал контрацепциянинг ижобий ва салбий таъсир қилиш омиллари аниқланганлиги, аёллар соғлиғига контрацепциянинг ноўй таъсири табиати ва даражаси контрацепция усулига боғлиқлиги ҳамда гормонал контрацепцияни индивидуал қўллаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги аёллар репродуктив ҳолатини сақлаб қолиши ва ҳаёт сифатини ошириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Семизлик қайд этилган аёлларда замонавий контрацептивларнинг клиник-лаборатор таъсири жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

семизликнинг турли типлари мавжуд бўлган аёлларда метаболизмнинг қайд этилган хусусиятларини урганиш ва орал контрацептивлардан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ортиқча тана вазнига эга бўлган аёлларда замонавий гормонал

контрацептивларни қўллаш имкониятлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-р/917-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома семизлиги мавжуд аёлларда аралаш орал контрацепциянинг самарали, хавфсиз усулларини қўллаш имконини берган;

семизлиги мавжуд аёлларнинг саломатлик ҳолатига индивидуал ёндашув, ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Гормонал контрацепциядан фойдаланишни режалаштираётган семизлик қайд этилган аёлларда тана вазнини коррекциялаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-р/918-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома семизлиги мавжуд аёлларда гормонал контрацепция қўлланиш жараёнида тана вазни коррекцияси, репродуктив фаолиятни сақлаб қолишимконини берган;

семизлиги мавжуд аёлларда аралаш контрацепция усулларини индивидуал ёндашувлар асосида қўллаш, репродуктив саломатликни сақлашга қаратилган тадқиқот натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика репродуктив маркази Самарқанд филиалига, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқхонаси ҳамда шаҳар 4-сон оилавий поликлиника амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 06 майдаги 8н-з/220-сон маълумотномаси). Олинган натижалар семизлиги мавжуд аёлларда аралаш гормонал контрацепциянинг арзон ва узоқ муддатли усулларини қўллаш, режалаштирилмаган ҳомиладорлик, сунъий ва ўз-ўзидан содир бўладиган абортлар сонини камайтириш билан интергенетик интервални узайтиришга, она ва ҳомила учун салбий оқибатларсиз кечадиган кейинги ҳомиладорлик режасини тузишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 2 та, жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Репродуктив ёшдаги аёлларда ортиқча вазн – замонавий жамият муаммоси. Гормонал контрацепциянинг ортиқча тана вазнга эга аёллар организмга таъсири (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида ортиқча тана вазнга эга аёлларда гормонал контрацепциянинг организмга таъсири, семизликнинг репродуктив функцияга салбий таъсир килиши бўйича малумотлар ёритиб берилган, бундан ташқари семизликнинг замонавий даволаш усуллари ва профилактикаси, репродуктив функцияни яхшилаш натижасида ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларини камайиши ҳақида хорижий ва маҳаллий адабиётлар муҳокамаси келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларимизни Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази Самарқанд филалида амалга оширдик. Тадқиқот мақсади ва вазифаларимиздан келиб чиққан ҳолда, беморлар анамнези, ёши, семизликнинг этиологияси, клиникаси ҳамда ўтказилган даво натижалари ўрганилди. Бундан ташқари ҳаёт сифатини ва шикоятларнинг кундалик ҳаётга тасирини аниқлаш мақсадида махсус савол-жавоб овқатланиш хулқ-атворининг сўровномаси тўлдирилиб борилди. Тадқиқотларимизга жами 150 нафар мурожат қилиб келган ортиқча вазнли/семизлик қайд этилган репродуктив ёшдаги аёллар текширилди. Семизлик шакли бўйича – 88 нафар (58,7%) аёл фемин типли, 62 нафар (41,3%) аёл андройд типли бўлган. Текширилувчиларнинг ўртача ёши  $25,5 \pm 4,7$  ёшни ташкил этган.

Ортиқча тана вазни болалик давридан қарийб 50% текширилувчилар (73- 48,7%), жинсий етилиш давридан – 24 нафар (16%), туғруқдан кейин – 15 нафар (10%) аёллар қайд этишган, қолган 38 нафар (25,3%) аёл тана вазн йиғилишини улардаги турли гинекологик касалликларни (бепуштлиқ, ҳайз циклининг бузилиши, эндометриоз, ТПКС) гормонал даволаш билан боғлашади (1-расм).

Клиник текширувлар, текширувдаги беморларнинг шикоятлари, умумий ва гинекологик кўрик, ва уларнинг анамнези ўз ичига олади. Анамнезни батафсил йиғиш, касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш муҳим рол ўйнади. Беморни ўрганишда, нафақат ўз касалликнинг шикоятлари ва хусусиятлари, балки ҳаёт сифатини, шунингдек, ижтимоий мосланувчанлик, яшаш шароитларини ва иш шароитларини ўрганиш ўтказилди.



**1-расм. Ортиқча тана вазн**

Гинекологик текширувларда бимануал ва ректал текширувлар умум қабул қилинган усулар орқали ўтказилди.

Лаборатор текшириш усуллардан кўйидагилардан фойдаланилган: қон зардобиди липидларни, углевод алмашинуви кўрсаткичларини, НОМА – индекси, инсулинни, тестостерон, пролактин, ТТГ, ФСГ, гомоцистеинни ва липтин миқдорларини аниқлаш

Анамнез маълумотларига кўра, 60,7%ни ташкил этувчи 91 нафар аёл жинсий этилиш давригача тез тез ЎРВК, отитлар, диатез, сувчечак билан касалланишган. Текшириш вақтида семизликдан ташқари 93 нафар (62%) аёлда ёндош соматик патология аниқланган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ортиқча вазнли/семизлик қайд этилган аёлларда текшириш вақтида аниқланган соматик патология**

Касалликлар	Семизликнинг андроид типни (n=62) мутл(%)	Семизликнинг фемин типни (n=88) мутл(%)
Камқонлик	28(45,2%)	40(45,5%)
СЙИ	7(11,1%)	19(21,6%)
ОИТ касалликлари	7(11,3%)	10(11,4%)
Холецистит	3(4,8%)	9(10,2%)
Бронхиал астма	11(17,7%)	8(9%)
Миопия	5(8%)	10(11,4%)
Таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари	3(4,8%)	7(8%)
Тромбоз	0	0

Гениталийларнинг ёндош патологияси текширилган 119 нафар (79,3%) аёлда аниқланган.

Текширилган аёлларнинг репродуктив функцияси ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Шунини таъкидлаш жоизки, тадқиқотга киритилиш пайтида 143 нафар (95,3%) аёл анамнезида ҳомиладор бўлганлиги аниқланган

## Семизлик қайд этилган аёлларда репродуктив функция (n=143)

Ҳомиладорлик/яқуни	Мутл	%
меъёрдаги шиддатли туғруқ	72	50,3
Вақтидан олдинги туғруқ	15	10,5
Кечиккан туғруқ	8	5,6
Кесарча кесиш	81	56,6
Бачадон бўшлиғини қўл билан текшириш	101	70,6
Йирик ҳомила	100	69,9
Туғруқдан кейинги септик касалликлар	62	43,4
Акушерлик қон кетишлар:	35	24,5
МЖЙВК	5	14,3
Бачадон атонияси	17	48,6
Туғруқ йўллари юмшоқ тўқималарининг йиртилиши	11	31,4
Йўлдошнинг бирикиши ва ажралишининг аномалиялари	2	5,7
Презклампсия	120	83,9
Туғруқ фаолиятининг кучсизлиги	34	23,8
Ўлик туғилиш	26	18,2
Ўз-ўзидан содир бўлувчи аборт	49	34,3
Сунъий аборт	66	46,2
Бачадондан ташқари ҳомиладорлик	10	7
Иккиламчи бепуштлик	16	11,2
Ҳомиладорлик/яқуни	Мутл	%
меъёрдаги шиддатли туғруқ	72	50,3
Вақтидан олдинги туғруқ	15	10,5
Кечиккан туғруқ	8	5,6
Кесарча кесиш	81	56,6
Бачадон бўшлиғини қўл билан текшириш	101	70,6
Йирик ҳомила	100	69,9
Туғруқдан кейинги септик касалликлар	62	43,4
Акушерлик қон кетишлар:	35	24,5
МЖЙВК	5	14,3
Бачадон атонияси	17	48,6
Туғруқ йўллари юмшоқ тўқималарининг йиртилиши	11	31,4
Йўлдошнинг бирикиши ва ажралишининг аномалиялари	2	5,7
Презклампсия	120	83,9
Туғруқ фаолиятининг кучсизлиги	34	23,8
Ўлик туғилиш	26	18,2
Ўз-ўзидан содир бўлувчи аборт	49	34,3
Сунъий аборт	66	46,2
Бачадондан ташқари ҳомиладорлик	10	7
Иккиламчи бепуштлик	16	11,2

2-жадвалдаги маълумотларни таҳлил эта туриб, шуни таъкидлаш жоизки, семизлик қайд этилган аёлларнинг репродуктив функцияси хилма хиллиги билан ажралиб туради, бунда меъерий туғруқлар фақатгина 50,3% аёлларда кузатилган. Аммо ҳаттоки бу аёлларнинг анамнезида ҳам абортлар мавжуд бўлган (ўз-ўзидан содир бўлувчи ва сунъий) ва кейинги ҳомиладорликда асоратлар юзага келган, 11,2% аёллар эса иккиламчи бепуштликдан азият чекишган. Ўлик туғилишлар, бачадондан ташқари ҳомиладорлик, туғруқларнинг асоратлари, абдоминал туғруқларнинг катта фоизи мазкур гуруҳда самарали, узоқ муддатли ва хавфсиз контрацепция қўлланилиши заруриятини кўрсатади.

3-жадвалда текширилган аёлларда туғруқлараро/абортлараро интервал ҳақидаги маълумотлар келтирилган.


### 3-жадвал

#### Семизлик қайд этилган аёлларда интергенетик интервал (n=143)

Туғруқлараро интервал	Мутл.	%
2 йилдан кам	40	28
2-3 йил	95	66,4
3 йилдан ортиқ	8	5,6
<b>Абортлараро ҳамда аборт ва туғруқлараро интервал</b>		
6 ойдан кам	77	53,9
6 ой	26	18,2
6 ойдан ортиқ	12	8,4

Жадвалдан кўришиб турибдики, интергенетик интервали 2 йилдан кам бўлган аёлларнинг улуши ҳануз юқориликча қолмоқда, абортдан сўнг эса кейинги ҳомиладорлик содир бўлишигача кузатиладиган минимал вақт - 6 ойдан кам муддат 53,9% текширилувчида қайд этилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, текширилган аёлларнинг баъзилари мазкур тадқиқотга киритилишидан олдин турли контрацептивлардан фойдаланишган, улар 104 нафар бўлиб, 69,3%ни ташкил этган (2-расм).



2-расм. Аёлларни контрацептивлардан фойдаланиши

БИВ – 60 (57,7%); презерватив – 31 (29,8%); узилган жинсий алоқа – 15 (14,4%), КОКлар – 11 (10,6%), депо-провера – 5(4,8%)

Контрацептивлардан фойдаланган аёллар ҳаёти мобайнида исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш усулини ўзгартиришганлигини кўрсатади.

Яъни ҳаёти давомида улар 2 ва ундан ортиқ турли усулларни қўллашган.

БИВдан бош тортиш сабаблари қуйидагилар бўлган: кўп миқдорда узок вақт давом этувчи ҳайз (50%), қорин пастида оғриқ (36,7%), узок давом этувчи ҳайзлараро шувалувчи ажралмалар (15%), ҳомиладор бўлиш истаги (16,7%).

Соф прогестинли инъекцион контрацептивлардан бош тортишнинг сабаблари барча ҳолатларда аменорея ва тана вазнининг кескин ортиши (1 йилда 5 кг дан ортиқ) бўлган.

КОКлардан бош тортишнинг сабаблари барча ҳолатларда ортиқча тана вазни туфайли шифокорнинг маслаҳатлари, шунингдек аёлларнинг гормонал контрацепцияни аёл организмига салбий таъсиридан қўрқишларидан иборат бўлган.


Диссертацияни учинчи «**Семизлик қайд этилган аёлларда замонавий гормонал контрацептивларни қўллаш имкониятлари**» бобида барча семизликнинг типлари қайд этилган аёлларда овқатланиш хулқ-атвори, гормонал контрацепцияни қўллашдан олдин ва қўллаш жараёнида клиник-лаборатор кўрсаткичлари ва гормонал контрацепцияни семизлик қайд этилган аёлларнинг периферик қонидаги гомоцистеин ва лептин даражасига таъсири ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, гормонал контрацепция воситаларини қўллашдан олдин ва қўллаш пайтида семизлик ҳар хил типлари қайд этилган (фемин типли - 63 нафар ва андроид типли - 37 нафар аёллар) 100 нафар аёлнинг овқатланиш хулқ-атворини ўрганилди. Тадқиқот бошланишидан олдин аёлларнинг асосий гуруҳида ТВИ  $27,6 \pm 0,2$  ни, назорат гуруҳида эса  $32,0 \pm 0,7$  ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ).

"Овқатланиш хулқ-атвори сўрови №1 - ёғларни истеъмол қилиш ҳолатларини аниқлаш" ва "Овқатланиш хулқ-атвори сўрови №2 – дон маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни истеъмол қилиш ҳолатларни аниқлаш" таҳлилининг маълумотларига кўра, асосий гуруҳда ёғ истеъмол қилиш частотаси бўйича ўртача балл йиғиндиси  $31,2 \pm 0,9$  ни ташкил этди, қайсиким ортиқча вазнли аёллар томонидан ёғли овқатларни сезиларли даражада истеъмол қилишини кўрсатади. Асосий гуруҳдаги 31% аёлларнинг овқатланиш рақибонида озик-овқатларнинг муҳим компонентлари етарли даражада эмас. Барча аёллар (назорат гуруҳидан ташқари) тўғри балансли овқатланиш бўйича маслаҳатлар олишди: рационга минимал балл олган учтадан ортиқ маҳсулотларни киритиш (бизнинг тадқиқотимизда бу барча донлар, дуккаклилар, резаворлар, қовоқча, бақлажон) лозимлиги айtilди. Дастурда кейинги иштирок этиш озик-овқат хулқ-атворининг қатъий назорати остида амалга оширилди.

Тана вазнини камайтиришнинг муҳим омилларидан бири жисмоний юкламани ошириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг ушбу босқичида семизлик қайд этилган аёлларнинг тана вазнини камайтириш ва уларга гормонал контрацепцияни тайинлаш учун индивидуал дастурнинг алгоритми тузилди (3-расм).\




**Асосий терапия:** парҳез (1-,2-чи сўровлар таҳлилидан сўнг), жисмоний юкламалар (бошқариладиган), маслаҳат бериш

**Стандарт терапия:** метформин 500-1000 мг/сут

**ТВИ <30 кг/м<sup>2</sup> бўлганида - гормонал контрацепцияни индивидуал тарзда тайинлаш (Ярина + ҳомиладор бўлишни истаганлар учун, Мидиана – репродуктив функцияси тугалланган аёллар учун)**

**3-расм.** Семизлик қайд этилган аёлларнинг тана вазнини камайтириши ва уларга гормонал контрацепцияни тайинлаш учун индивидуал дастурнинг алгоритми


Тананинг вазнини камайтириш дастури камида 6 ой (76 нафар – 76% аёлда), кўпи билан 12 ой (24 нафар – 24% аёлда) давом этди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, андроишли семизлик қайд этилган аёлларнинг тана вазни тезда камайган (4-расм.)



Вертикал бўйича 12 ой, ТВИ – горизонтал бўйича: 0 – 35,2±0,8; 1 ой – 33,1±0,5; 2 ой – 32,9±0,2; 3 ой – 31,7±0,1; 4 ой – 30,3±1,1; 5 ой – 29,8±1,4; 6 ой – 29,1±0,7; 7 ой – 28,5±0,9; 8 ой – 28,0±1,1; 9 ой – 27,9±0,6; 10 ой – 27,7±0,8; 11 ой – 27,8±0,7; 12 ой – 27,8±0,6

**4-расм. Семизликнинг андронд типи қайд этилган аёлларда тана вазнининг камайиши динамикаси (n=37)**

Тана вазнини меъёрга келтириш метаболик ва гормонал гомеостазни тиклашга олиб келади, қайсиким нафақат генератив функцияни амалга оширишга, балки соғлиқ учун хавфни камайтириш, соғлом турмуш тарзининг узоқ муддатли кўникмаларини ишлаб чиқишга имкон беради.



**5-расм. Гормонал контрацепцияни семизлик қайд этилган аёлларнинг периферик қонидаги гомоцистеин ва лептин даражасига таъсири.**

Тадқиқотимизда гормонал контрацепцияни қўллашдан олдин ва қўллаш жараёнида клиник-лаборатор кўрсаткичлар урганилганда, гомоцистеин ва лептин миқдорини семизлик типига караб узгарганлиги аниқланди.

Гомоцистеин - нопротеиноген аминокислота бўлиб, оксидатив стрессни кучайтиради, тромбогенезни жадаллаштиради, атеросклероз хавфини оширади, артериал гипертензияни келтириб чиқаради ва онкокасаликларнинг ривожланиш омили бўлиб ҳисобланади (5-расм.). Ишнинг мазкур қисмидан олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Ишнинг мазкур қисмидан олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал**

**Семизлик қайд этилган аёлларда гомоцистеиннинг даражаси**

Гомоцистеин (мкмоль/л)	Андронд семизлик қайд этилган аёллар	Фемин семизлик қайд этилган аёллар	Назорат гуруҳи (n=50)	Референс қийматлар
	11,5±1,2*	10,9±1,9*	11,4±0,9*	7,9±1,0**

Изоҳ: \* - гуруҳларда таққосланадиган кўрсаткичлардаги фарқлар ишончлилиги.

\*\* - референс қийматлари билан бирга таққосланадиган кўрсаткичлардаги фарқлар ишончлилиги

4-жадвалдан кўришиб турибдики, тадқиқотнинг барча гуруҳларида дастлаб гомоцистеиннинг даражаси фарқ қилмаган. Бироқ семизлик қайд этилган аёлларда референс қийматлари билан мазкур кўрсаткични таққослаганда ишончли фарқлар кузатилди.

**5-жадвал**

**Тана вазни камайганидан кейин гомоцистеин даражаси**

Гомоцистеин (мкмоль/л)	Андрод семизлик қайд этилган аёллар(n=30)	Фемин семизлик қайд этилган аёллар (n=49)	Назорат гурухи(n=50)	Референс қийматлар
		<b>11,5±1,2*</b>	<b>10,9±1,9*</b>	<b>11,4±0,9*</b>

**Изоҳ:** \* - гуруҳларда таққосланадиган кўрсаткичлардаги фарқлар ишончилиги.

\*\* - референс қийматлари билан бирга таққосланадиган кўрсаткичлардаги фарқлар ишончилиги

Биз гомоцистеин даражасининг кейинги аниқланишини тана вазни камайганидан сўнг амалга оширдик (5-жадвал).

5-жадвалдаги маълумотлар текширилганларнинг асосий гуруҳида гомоцистеин даражасининг ишончли даражада бўлмаган камайишини намойиш этади. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткич референс қийматлари билан таққосланганда ишончли даражада юқориликча қолган. Бинобарин, семизлик қайд этилган аёлларда 6-12 ой мобайнида тана вазнининг камайиши гомоцистеин даражасининг ишончли тарзда камайишига олиб келмайди.

Лептинга резистентлик кузатилган ортикча вазнли/семизлик қайд этилган 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган репродуктив ёшдаги 100 нафар аёлда семизликнинг қийсий ташхисоти учун лептиннинг даражасини аниқладик.

Назорат гуруҳини ҳеч қандай контрацепциядан фойдаланмайдиган ортикча вазнли ва семизлик қайд этилган 50 нафар аёл (семизликнинг фемин типдаги 25 нафар ва андроид типли 25 нафар аёл) ташкил этди (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Семизлик қайд этилган аёлларда лептиннинг бошланғич даражаси

I гуруҳ n=37 (ТВИ 35,2±0,8)	II гуруҳ n=63 (ТВИ 34,2 ±2,1)	Назорат гуруҳи n=50 (ТВИ 33,5 ±3,1)	Референс қийматлар
21,88±1,76	24,48±1,86	26,71±1,44	3,7-11,1

**Изоҳ:** \* - гуруҳларда таққосланадиган кўрсаткичлардаги фарқлар ишончилиги.

\*\* - референс қийматлари билан бирга таққосланадиган кўрсаткичлардаги фарқлар ишончилиги

Даволашни бошлашдан олдин андроид типли семизлик қайд этилган аёлларда (I гуруҳ, n=37) лептиннинг юқори даражаси 21,88±1,76 кузатилди. Мазкур кўрсаткич статистик жиҳатдан фемин типли семизлик қайд этилган аёлларда (II гуруҳ n=63, 24,48±1,86), назорат гуруҳидаги кўрсаткич (n=50, 26,71±1,44) сингари ТВИнинг ўртача кўрсаткичига пропорционал равишда мос келади

Овқатланиш хулқ-атворининг ўзгариши, дозали жисмоний юкламалар, метформин каби биринчи босқичдаги тадбирлар амалга оширилгач, 6-12 ой давомидаги ўзгаришлар динамикаси кузатилди (7-жадвал).

Даволашнинг 6-12 ойдан сўнг лептин даражасининг ўзгариши <b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Асосий гуруҳ</b>				<b>Назорат гуруҳи</b>		<b>Референс қийматлар</b>
	<b>n=37</b>		<b>n=63</b>		<b>n=50</b>		
	<b>6 ой</b>	<b>12 ой</b>	<b>6 ой</b>	<b>12 ой</b>	<b>6 ой</b>	<b>12 ой</b>	
ТВИ	32,2±0,5	26,3±0,7	31,7±3,1	27,4±0,5	31,5 ±3,1	30,2±0,6	18,5 - 24,9
Лептин	16,78±1,5	12,46±0,5	17,2±1,9	10,8±1,7	26,71±1,44	22,71±1,5	3,7-11,1

**Изоҳ:** \* - гуруҳларда таққосланадиган кўрсаткичлардаги фарқлар ишончилиги.

\*\* - референс қийматлари билан бирга таққосланадиган кўрсаткичлардаги фарқлар ишончилиги

ТВИ ва лептин даражасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, биз семизлик қайд этилган аёлларга танлаган олиб бориш тактикасининг самарасини баҳоладик. Назорат гуруҳига қараганда I-ваII- гуруҳда каттарок самарага эришилди. ТВИ ва лептиннинг кўрсаткичлари назорат гуруҳига қараганда катта даражада 30,2±0,6 га камайган. Яъни ТВИ ва адипоген гормон даражасининг ишончли тарзда камайиши содир бўлади. Метформин, овқатланиш хулқ-атворининг ўзгариши ва дозали жисмоний юклама таъсирида лептин кўрсаткичларининг эришилган пасайиши назорат гуруҳига қараганда асосий гуруҳдаги аёлларда ифодаланган даражада намоён бўлди, кўрсаткич 6 ойдан 16,78±1,5 сўнг 12,46±0,5 га, 12 ойдан сўнг га пасайган, тана вазн индекси 6 ойдан сўнг 32,2±0,5 га, 12 ойдан сўнг 26,3±0,7 га камайган.

Семизлик қайт этилган аёлларнинг 73(48,6%) да ҳайз кўриш ритмининг доимий бузилиши (кетма-кет олти ойдан кам бўлмаган) қайд этилди. Ҳайз кўришнинг мунтазам ритми липид метаболизмини бузмасдан семизлик қайт этилган аёлларда сезиларли даражада тез-тез учрайди. Тартибсиз ҳайз кўриш андроид гуруҳ беморларининг 23(31,5%), андроид 25 (34,2%) –фемин ва 25 (34,2%) – назоратгуруҳ билан тавсифланади; биринчи ва иккинчи, учинчи ва иккинчи гуруҳлар ўртасида ҳайз кўриш ритмининг бузилиши тарқалишидаги фарқ ишончли ( $p<0,05$ ). Биринчи ва учинчи гуруҳларда ҳайз кўришбузилишларининг фарқ қилмади ТПСК ташҳиси 27 (24,7%) аёллар да аниқланди Уларнинг аксарияти (41,4%) биринчи гуруҳга тегишли эди, 14,3% иккинчи гуруҳга, 14,3% учинчиси гуруҳга туғри келди.

**0-5 балл** – *кичикметаболик бузилишлар*. Семизлик қайд этилган аёллар таркибида дросперинон бўлган аралаш орал контрацептивларни чекловларсиз қабул қилишлари мумкин. Бир вақтнинг ўзида овқатланиш хулқ-атворини ўзгартириш ва жисмоний юкломани ошириш тавсия этилади.

**6-15 балл** – ўртача даражадаги метаболик бузилишлар.Таркибида дросперинон бўлган аралаш орал контрацептивларни тавсия этиш мумкин, аммо шифокор ва лаборатор кўрсаткичлар назорати талаб этилади. Контрацепция усулини қўллашдан кузатиладиган фойда хавфдан кўра юқори.

**16-34 балл** – юқоридаражадаги метаболик бузилишлар. Аралаш орал контрацептивлар тавсия этилмайди.Хавф контрацепция усулини қўллашдан кузатиладиган фойдадан кўра юқори.

Олинган маълумотлар асосидааралаш орал контрацептивлар мақбуллигини ҳисоблаш жами 150 нафар: 88 нафар фемин типига ва 62 нафар андройд типигаги семизлик қайд этилган аёлларда балл шаклида баҳоланди.

Тадқиқотни бошлашдан олдин дастурнинг ўртача баллар сони  $22,1 \pm 3,2$  ни ташкил этди, яъни семизлик қайд этилган аёлларда АОКни қўллаш хавфи усулни қўллаш фойдасидан устун эди. Бирок, тадқиқот жараёнида эллик нафар аёлга (назорат гуруҳи) аралашув таклиф этилмади. 82 нафар аёлда (82%) балларнинг умумий йиғиндиси 6 ойдан сўнг 14 дан 16 баллгача ўзгариб, ўртача  $15,1 \pm 0,5$  ни ташкил этди, яна 79 нафар (79%) текширилган аёлда 12 ойлик кузатув ва даводан сўнг балларнинг умумий йиғиндиси 5 дан 13 баллгача ўзгариб, ўртача  $11,6 \pm 2,4$  баллга тенг бўлди (8-жадвал). Асосий гуруҳдаги 21 нафар аёл (21%) дастурда кейинги иштирок этиш ва АОКни қабул қилишдан бош тортишди, уларга БИВ қўйилди.

#### 8-жадвал

#### Семизлик қайд этилган аёлларда гормонал контрацепция мақбуллигини ҳисоблаш.

№	Кўрсаткичлар	Асосий тавсифлар	Баллар
1	ТВИ	ТВИ $> =18,5 < 25$ кг/м <sup>2</sup>	0
		ТВИ $> =25,1 < 30$ кг/м <sup>2</sup>	1
		ТВИ $> =30,1 < 40$ кг/м <sup>2</sup>	2
2	Бел айланаси	82 см гача	0
		82,1 см ва ундан катта	2
3	Систолик артериал босим	120-140 мм.сим.уст. гача	0
		141-160 мм.сим.уст.	1
		161 мм.сим.уст. ва ундан катта	2
4	Диастолик артериал босим	91 мм.сим.уст. гача	0
		91-100 мм.сим.уст.	1
		101 мм.сим.уст. ва ундан катта	2
5	Сут безлари патологияси	Йўқ	0
		Сут безининг яхши сифатли ўсмалари	1
		Сут безининг ёмон сифатли ўсмалари	2
6	Юрак қон томир патологияси	Йўқ	0
		Юрак ишемик касаллиги	1
		Анамнезида тромбоз ва эмболиялар	2
7	Варикоз касаллиги	Йўқ	0
		Юзаки веналарнинг варикоз кенгайиши	1
		Чуқур веналарнинг варикоз кенгайиши	2

8	Шақиқа туфайли бош оғриқлари	Шақиқа йўқ	0
		Бош оғриқларининг типик хуружлари билан кузатиладиган шақиқа	2
9	Чекиш	Чекмайдиганлар	0
		1 йил олдин чекишни ташлаган	1
		Чекувчилар ёки камида 1 йил олдин чекишни ташлаганлар	2
10	Жигар касалликлари	Йўқ	0
		Сурункали гепатит	1
		Жигар ўсмалари ва вируслифаолгепатит	2
11	Гомоцистеин	10-20 мкмол/л	0
		21-29 мкмол/л	1
		30 мкмол/л ва ундан юқори	2
12	Лептин	1,1-27,6 нг/мл	0
		27,7 – 35,5 нг/мл	1
		35,6 нг/мл ва ундан юқори	2
13	Холецистокинин	5-800 нг/л.	0
		801 нг/л ва ундан юқори	1
14	Паст зичликдаги липопроteidлар	3,9 ммоль/л гача	0
		4,0 ммоль/л дан юқори	1
15	Юқори зичликдаги липопроteidлар	0,75-1,67 ммоль/л	0
		1,68 ммоль/л дан юқори	2
16	Инсулинга резистентлик (НОМА-ІРиндекси)	22,5 гача	0
		22,6 ва ундан юқори	1
17	1-сўров маълумотлари бўйича овқатланиш хулқ-атвори	Баллар умумий йиғиндиси 25 гача	0
		Баллар умумий йиғиндиси 26-30	1
		Баллар умумий йиғиндиси 31 дан кўп	2
18	2-сўров маълумотлари бўйича овқатланиш хулқ-атвори	Баллар умумий йиғиндиси 25 гача	0
		Баллар умумий йиғиндиси 26-30	1
